ИПАК ЙЎЛИДА ЖОЙЛАШГАН КАТТАҚЎРҒОН ШАҲРИНИНГ ҚАДИМИЙ МАҲАЛЛАЛАРИ ТУЗИЛИШИ ВА ТАРҲИ

Ярашев Фозилбек Собир ўғли
СамДАҚУ таянч докторанти (PhD).
https://doi.org/10.5281/zenodo.11220624

Аннотация. *Ушбу мақолада Каттақўрғон шаҳрининг XVII-XIX асрларга оид, қадимий маҳаллаларининг келиб чиқиши, ўрни, уларнинг архитектуравий тузилиши тўғрисида сўз боради. Шунингдек ушбу маҳаллаларнинг Ўрта Осиё маҳаллалари билан умумийлиги ҳамда уларнинг ўзига хос жиҳатлари очиб берилган.*

Калит сўзлар: *Каттақўрғон, маҳалла, тураржой, Арк, қўрғон, мадраса, масжид, ховуз.*

Аннотация. *В данной статье рассказывается о происхождении, месте и архитектурной структуре старинных кварталов города Каттакорган 17-19 веков. Также выявляются общность этих кварталов с центральноазиатскими кварталами и их специфика.*

Ключевые слова: *Каттакурган, квартал, резиденция, Арк, крепость, медресе, мечеть, хавуз.*

Abstract. *This article talks about the origin, place, and architectural structure of the ancient neighborhoods of the city of Kattakurgan of the 17th-19th centuries. Also, the communion of these neighborhoods with the Central Asian neighborhoods and their specific aspects are revealed.*

Key words: *Kattakurgan, neighborhood, residence, Ark, fortress, madrasa, mosque, pond.*

Қадимдан шаҳарлар ўзларининг қадимий маҳалларига эга бўлган. Шаҳарларнинг этнографик ўрганиш тажрибаси шуни кўрсатадики, айнан турар жой маҳалласи ўзининг пухта батафсил ўрганилиши билан, бутун шаҳарни тушунишнинг калитини беради.

Ўрта Осиё шаҳарларининг маҳаллаларга ҳақидаги маълумотларни, олим Н. Хаников ёзиб қолдирган. У Ўрта Осиё шаҳарлари ёзганлардан биринчи, шаҳар ҳаётининг четдан кузатувчи учун сезилмайдиган томони, яъни фуқаролар ҳаётини маҳаллалар доирасида ташкил этишни қайд этган. Хоников маҳаллаларни черковлар билан тўғри боғлаб, “аҳоли ахлоқини назорат қилишда” черков масжидлари имомлари ва маҳалла оқсоқолларининг алоҳида ўрни борлигини таъкидлайди [1].

Каттақўрғон маҳаллаларини ўрганиш уларнинг ижтимоий аҳамиятини очиб берди, турар-жой мавзеси нафақат ҳудудий, бир эканлигини кўрсатди: унинг аҳолисини ўзига хос ижтимоий алоқалар бирлаштирган бўлиб, улар шаҳар аҳолисининг турмуш шаклларини ва XVII-XX аср боши тураржой маҳалласининг ўз табиатини белгилаб берган.

1875 йилга келиб, Каттақўрғон шаҳрида 24 маҳалла мавжуд бўлган [2]. Қўрғон ичида ўн тўртта – Суфи Оллоёр, Кўчаҳўр, Кичик Арабхона, Шўргузар, Қаландархона, Сарбозор, Ҳожи Қурбон, Сўфигузар, Ҳайдарчаман, Бегижон, Ғарб масжид, Кимохгар, Ҳокигузар, Қурмагузар, шаҳар қўрғони ташқарисида ўнта – Қориравот, Кунжипай, Арва-атай, Арабқишлоқ, , Паст чордара, Сармозор, Чордараи дарун, Мавриқўрғон, Лўлахўр ва Қўшҳовуз маҳаллалари бўлган [3].

Ўрта Осиё шаҳарларнинг маҳаллаларида масжидлар уларнинг ҳовлиларида ҳовузларнинг мавжудлиги, уларнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Енг мухим жиҳатлардан яна бири бу масжиднинг маданий марказ бўлишидир. Шунингдек Каттақўрғонда шаҳри маҳаллалари ҳам Ўрта Осиё шаҳарлари маҳаллалари каби умумий ҳусусиятларга эга. Хар бир маҳаллада гузар масжидининг бўлиши, лекин уларнинг ўзига хос хусусиятлардан бири – бу ердаги ховузларнинг кўплиги билан ажралиб туради. Бухоро ва Самарқанд каби бу ерда хам айрим маҳаллаларда қавм-қариндош, уруғ вакиллари ёки муайян касб-ҳунар билан шуғулланадиган ҳунармандлар истиқомад қиладиган жой сифатида булган.

Каттақўрғон шаҳри махаллалар архитектурасини уларнинг жамоат марказлари жонлантирган, уларда ховузлар атрофида маҳалла аҳамиятига эга бўлган монументал диний, иншоотлар савдо бинолари, устахоналар тўпланган. Қўрғон- шаҳристон ичидаги маҳаллаларни бир-биридан ажратувчи девор бўлмаган. Хар бир маҳаллада 70 тадан-100 тагача тураржой ҳовлилари бўлган. Тураржой биноларига катта-кичик кўчалар олиб борган.

Каттақўрғон қўрғонида жойлашган қадимги маҳаллаларда турар-жойлар зичлашиб, яхлит режа ҳосил қилган. Улардаги тураржой мавзелари ўртасидаги чегарани аниқлаш мушкул.

Кимохгар маҳалласи. Кимохгар маҳалласи қадимий маҳаллалардан бўлиб, бу ерда темирчилик билан шуғулланадиган ҳунармандлар яшаган. Маҳалла худуди, Бозордарвозадан бошланиб, шаҳар асосий кўчасига орқали, Шўргузар маҳалласига туташган. Мазкур кўчада қатор устахоналар жойлашган. Бу эса харидорларга қулайлик туғдирган. Кўчадан устига юк ортилган от ва эшаклар ўтиб турган. Темирчилар яроқсиз бўлиб қолган тақаларни алмаштирган. Шунингдек маҳалланинг шаҳар бозорига яқинлиги ҳам устохоналарга қулай бўлган. Чунки бозорга келган кишилар, темирчихона киришган.

Мадраса маҳалласи. Мадраса маҳалласи шаҳарнинг энг қадимий маҳаллалардан бири бўлиб, шаҳарнинг марказий қисмида жойлашган. Маҳалланинг шаҳар аҳамиятидаги ўзига хос ўрни шундаки, ушбу маҳаллада шаҳарнинг мухташам иншоотлардан Муҳаммад Нақиббек мадраса ва шу номли ҳаммом жойлашган. Маҳалла ҳудуди қўрғоннинг асосий кўчасида бўйида жойлашган. Маҳалла марказида, қатор устахоналар, савдо дўконлари жойлашган.

Сўфи Оллоҳёр маҳалласи. Сўфи Оллоёр маҳалласси шаҳарнинг энг қадимий маҳаллаларидан бири бўлган. Маҳалланинг ушбу ном берилиши бежиз эмас. Чунки Каттақўрғон шаҳрига асос солган Суфи Оллоёр мазкур маҳаллада истиқомад қилган. Шунингдек маҳалла масжиди мазкур номли бўлиб, шаҳарнинг энг қадимий масжидидир. Масжид маҳалланинг ғарбий чеккаси бўйлаб, Арк томонга олиб борувчи катта кўча бўйида бўлган. Маҳалланинг яна бир ўзига хослиги шундаки, мазкур маҳаллада бошқаларидан фарқли энг кўп ховузлар бўлган.

Сарбозор маҳалласи. Сармозор маҳалласи. шаҳарнинг асосий кўчаси бўйида жойлашган. Мазкур маҳалласи шаҳарнинг энг аҳоли гавжум жойларидан бири бўлган. Чунки маҳалла ҳудудида Бозордарвоза, жойлашган бўлиб, шаҳар асосий кўчаси бўйлаб, қатор устахоналар, савдо расталари жойлашган. Шунингдек Бозордарвозадан чиққандан сўнг шаҳар бозори бўлган. Маҳалла номининг келиб чиқиши ҳам, “Сар” форс тилида яқин, яъни бозор яқинидаги гузар деган маънони билдиради. Шу тариқа маҳалла номини Сарбозор деб аташган.

Қаландархона маҳалласи. Қадим ўтмишда дарбадорлик килиб, гадолик ва хайр-эҳсон билан кун кечирган кишиларни қаландарлар, дейишган. Қаландарлар жамоа-сулукларга борганлар. Дарвишлик-тасавнуф (суфизм) кулига кириб, муршид ва муридлик (пир ва шогирд) муносабатларига қатъий итоат этганлар. 1771 йилдан қаландарлар ушбу маҳаллага кўчиб келиб, яшаганлигини учун, Қаландархона маҳалласи деб ном берилган. Мазкур маҳалла масжиди жомеъ масжид бўлиб, ўзининг бетакрор меъморий ечими билан ажралиб турган. Қаландарҳона масжиди ҳовлиси шаҳарнинг асосий кўчаси билан туташган. Бу ер жой ҳамиша гавжум бўлган. Шунингдек маҳалла ҳудудида шаҳар эски қабристони жойлашган.

1-расм. Каттақўрғон шаҳрининг 1875 йилги бош режасида маҳаллалар чегараси. (Архив маълумоти)

Шўргузар маҳалласи. Шахристон марказида Шўргузар маҳалласида ҳунармандчилик устахонаси ва савдо дўконлари жуда кўп гузар саналган. Мазкур шаҳар асосий кўчасида жойлашган. Маҳалла ҳудудида жойлашган кўчалар ери шўр бўлганлиги сабабли Шўр гузар ёки Кўл гузар номини олган. Унинг ён қисмида ёғингарчилик сабабли

Кўл гузар деб ҳам ном олган [4]. Маҳалла аҳолиси асосан ҳунармандчилик билан шуғулланишган. Маҳаллада этикдўзлар, бўёқчилар, ва дурадгорлар истиқомад этишган.

Қўрғон ташқарисидаги маҳаллалар. Қўрғон-шахристон ташқарисидаги, ёки шаҳар чеккасидаги маҳаллалар катта-катта боғ ва экин майдонлар, ариқ ва жарариқлар билан бир-биридан ажралиб туради. Қўрғон дарвозалари атрофидаги маҳаллалар жамоат ва тураржой бинолари асосий кўчанинг икки бўйида жойлашган. Бу ерда шаҳарга келувчи меҳмонлар учун карвонсарой, савдо дўконлари ҳам бўлган. Шаҳар ташқарсидаги маҳаллалар ҳовли-жойлар майдони бирмунча катта бўлиб (20-30 сотих), бу жойлар боғ ва экин майдонига айлантирилган. Мазкур тураржой ҳудудларининг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, уларда катта кўча ва майдонлар ёнида тураржой бинолари зич жойлашган.

Қўшҳовуз маҳалласи. Маҳалла ҳудуди Бозордарвоза ташқарисида шаҳар асосий кўчасининг бўйида жойлашган. Мазкур кўчанинг чап томонида шаҳар бозори ва унинг шимолида Абдуҳакимбой мадрасаси жойлашган. Кейинчалик эса мадраса таркибида жомеь масжид ҳам қурилган. Бозорга келувчилар масжидга кириб ибодат қилишган. Бу жой ҳамиша гавжум бўлган. Шаҳар аҳолиси ва меҳмонлар жомеь масжидида номоз ўқиш учун ошиққан. Кўчанинг ўнг томонида қатор карвонсаройлар, савдо дўконлари, устахоналар жойлашган.

Қориравот маҳалласи. Қориравот маҳалласи шаҳарнинг шимолий қисмида жойлашган. Бу ерда кўпроқ қорилар йиғилган, китобхонлик қилганликлари учун, бу жой «Қориравот» гузари деб атаганлар. Маҳалла ҳудудини катта кўча кесиб ўтган. Ушбу кўча шаҳарнинг асосий кўчаси билан туташган. Мазкур кўча бўйида маҳалла масжиди, қатор устохоналар ва савдо дўконлари жойлашган. Тураржой атрофида боғ-роғ ва аҳоли экин майдонлари жойлашган. Дамариқ ариғидан оқиб келган катта ариқ, маҳалланинг жанубий чеккаси бўйлаб, оқиб ўтиб Нарпай каналига қуйилган.

Хулоса. Каттақўрғон шаҳрининг 1875 йилги бош режасини ўрганиш ва шаҳар маҳаллалардаги шаҳар қурилиши ҳудудини таҳлил қилиш асосида турар жой ва маданий марказ ҳудудлари тузилишида кўпинча айнан такрорланадиган ўхшаш жиҳатлар мавжудлиги аниқланди. Буларга: шаҳристон ичида жойлашган маданий, маиший ва жамоат аҳамиятига эга устувор ҳудудлар– гузар, маҳалла масжиди, савдо дўконлари ва маҳалла марказлари; чалкаш катта - кичик кўчалар ва берк кўчалар, зич жойлашган ҳовли-жойлар киради. Шаҳристон ташқарисида жойлашган, катта ҳовли-жойлар иморатлари, битта-иккита алохида қурилган турар жойлар, мавжуд кенг майдонлар, боғлар, экин майдонлари киради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ханыков Н. Городское управление в Средний Азии, // Журнал Министерства внутренних дел, СПб., 1844, кн. 5, с. 345-347.
2. Планъ г. Катта-Кургана съ окректностями. Снятый инструментально въ 1875 году. // Каттақўрғон шахри Ўлкашунослик музейининг архиви.
3. Бекмуродов И. Каттақўрғоннинг қисқача тарихи. Самарқанд,1993.
4. Абдуҳакимов Ш. Каттақўрғон тарихидан лавхалар. Тошкент, 2016.
5. Yarashev, F. S. (2023). Architecture of Mukhammad Naqibbek Madrasa-Mosque in 19th-20th Century in Kattakurgan City. *Genius Repository, 22*, 5-12.